

Мутлақ қодирлик жабр маъносида эмас



12:10 / 05.01.2019 3506

Аллоҳнинг Қуръони каримда зикр этилган қаҳр ва қувват сифатлари ҳеч қачон зулм маъносини англатмайди. Шунингдек, Аллоҳнинг жаббор сифати жабр маъносини англатмайди, балки «бандаларини Ўзи хоҳлаган нарсага ундовчи» деган маънони англатади. «Жаббор» сифатининг иккинчи маъноси эса «ёмонлик қасд қилувчиларнинг қасди ва ҳийлагарнинг ҳийласи таъсир қилмайдиган Зот» деганидир. «Қаҳҳор» сифати «бутун мавжудот устидан ҳукм юритувчи» деган маънони англатади. Қуръони каримда Аллоҳ таолонинг бундай сифатлари билан бирга раҳм-шафқат, муҳаббат маъноларини англатувчи сифатлари жуда ҳам кўп ўринларда зикр қилинган. «Роҳман» сифати барчага неъмат берувчи маъносини, «Роҳийм» сифати барчага раҳм қилувчи, «Салом» сифати барчага тинчлик берувчи сифатини, «Ғаффор» сифати кечирувчи, «Раззоқ» сифати барчага ризқ берувчи, «Латиф» сифати лутф,

марҳаматлилик маъносини, «Шакур» сифати итоат қилганларни мақтовчи, «Мужиб» сифати «Ўзидан сўралган барча нарсани берувчи» деган маъноларни, «Карим» сифати «бахиллик қилмасдан, ҳар қанча нарсани ҳам берувчи» деган маънони, «Таввоб» сифати «тавба қилувчиларнинг тавбасини қабул қилувчи» деган маънони англатади. Шунингдек, Аллоҳнинг бу ерда зикр қилинмаган сифатлари жуда кўпдир.

«Иймон» китобидан